

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

**Кибрай тумани тиббиёт  
бирлашмасининг Рахбари КТМП мудири**

**А.М.Ибрагимов  
2022 йил**

**Кибрай тумани Тиббиёт бирлашмасининг иссик овкат  
етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши  
таклифларни танлаш буйича харид килиш хужжатлари**

**Тошкент-2022  
йил**

## **МУНДАРИЖА**

- I Боб. Иштирокчига кўрсатма
- II Боб. Танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

# **I БОБ. ИШТИРОКЧИГА КҮРСАТМА**

## **A. Умумий маълумот**

Танлаш предмети

Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлаш комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гурухининг вазифалари

Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлаш доирасида ҳужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш

## **B. Танлаш ҳужжатлари**

Танлаш ҳужжатининг таркиби

Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

## **C. Танлаш ҳужжатларини тайёрланиши**

Танлашда қатнашиш харажатлари

Танлашда қўлланиладиган тил

Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

## **D. Танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши**

Танлаш таклифларини мухрлаш ва конвертларни белгилаш

Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати

Танлаш таклифларининг очилиши

## **E. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

## **F. Шартномани расмийлаштириш**

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

## **А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **1. Танлаш предмети**

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошка конунчилик ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширади.

### **Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:**

Танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, маблағ манбаси: : Бюджетнинг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна хисоб вароғидаги маблағларидан ажратилган Кибрай тумани Тиббиёт бирлашмасининг иссик овкат етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш кўзда тутилган.

**Махсулотни ишлаб чиқариб ё ва етказиб бериш: 10 кун давомида.**

**Товар (иш, хизмат) нархи:**

**1. \_\_\_\_\_ ( )**

**2 Тўлов шартлари:** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фойз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фойзи тўлаб берилади.

Товар (иш, хизмат) нархи учун жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасида бўлади.

Танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз ва қушимча қиймат солиги билан .

Ишлар танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

### **2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар**

Маблағ манбаси: : Бюджетнинг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна хисоб вароғидаги маблағлари хисобидан Кибрай тумани Тиббиёт бирлашмасининг иссик овкат етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш буйича етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлаш (кейинги ўринларда – Танлаш) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлаш ҳужжатлари талаблари асосида харид объектини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиши тартиби – уч босқичли.

**Буюртмачи** – Кибрай тумани тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Тошкент вилояти Кибрай тумани Марказий 157

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиши учун масъул шахс – Курбанбекова харид комиссия котиби Б.Гаипов.

тел.: 71 286 02 70

### **3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:**

- танлаш ўтказиши тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танлашни ўтказади;
- танлаш талабгорларига таалуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг танлаш ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларининг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишида нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур холларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Танлашнинг ташкилотчиси** - Харид комиссияси котиби. Унинг вазифасига қўйидагилар киради:

- танлаш хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасинг [www.xarid.uzex.uz](http://www.xarid.uzex.uz) порталида эълон беради;
- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат<sup>\*</sup> таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:**

-иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қиласди ва қўриб чиқади;

-энг яхши танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қиласди.

**Иштирокчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- факат битта таклифни тақдим этиш хукуқига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш хукуқига эга.

#### **5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

##### **5.1. Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:**

- шартномани бажариш учун зарур техниковий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун конуний хукуққа эгалик;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

**5.2. Танлаш иштирокчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.**

Танлаш иштирокчилари қўйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги юзасидан хужжат;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш хукукини берувчи лицензиянинг нусхаси, агар лицензияланадиган фаолият турига кирадиган бўлса.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши ва асосий бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш хукуқига эга эмас.

5.3. Иштирокчи танлаш комиссиясига (мухрланган) ва ички мухрланган конвертни **йўлланма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қўйидаги хужжатлар бўлиши лозим:

- иштирокчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- иштирокчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- иштирокчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- танлаш таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.4. Иштирокчи танлаш тақлифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплади.

5.5. Танлашда ғолиб чиқкан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлаш ғолиби** – тақлифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши тақлифни тақлиф қилган танлаш иштирокчиси.

**Захирадаги иштирокчи** – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши тақлифни тақлиф қилган иштирокчи.

5.5. Танлашга қўйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техниковий, молиявий, мёддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳукуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижроҷиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор килиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қўйидаги холларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш тақлифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбахо буюмларни ёки хизматларни тақлиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараённида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини кўллаши;
- иштирокчи конунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

## 6. Танлаш доирасида хужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган тақлифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## Б. ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ

### 7. Танлаш хужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчиси унга берилган танлаш хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлик ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш хужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни

бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

#### **8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш**

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишида мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

#### **9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳаклидир.

### **В. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

#### **10. Танлашда қатнашиш ҳаражатлари**

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Махсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча ҳаражатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар махсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига караб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

#### **11. Танлашда қўлланиладиган тил**

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

#### **12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

12.1. Танлаш таклифлари бир асл нусхадан, факат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – махсулотни етказиб бериш жадвали, танлаш таклифлари, махсулот учун таклиф килинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлаш комиссияси лозим бўлганда Танлаш иштирокчиларидан тақдим этилган Танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

#### **13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

13.1. Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш хужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш таклифи шаклларидағи барча бўш графалар танлаш хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

#### **14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

#### **15. Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Танлашда иштирок этиш ўчун иштирокчи танлаш хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдикланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлаш иштирокчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

### **Г. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

#### **16. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш**

16.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

#### **17. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати**

17.1. Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан танлаш комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлаш иштирокчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлаш иштирокчиси томонидан танлаш хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган хужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

#### **18. Танлаш таклифларининг очилиши**

18.1. Танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлаш комиссияси танлаш таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, иштирокчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Иштирокчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлаш иштирокчилари танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар ва тақдим этилган хужжатлар овоз чиқариб санаб ўтилади, танлаш хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Хужжатлар пакетида танлаш хужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан иштирокчига қайтарилади.

18.4. Танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлаш иштирокчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакъ бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг асослантирилган сабаблари кўрсатилган холда алоҳида санаб ўтилади.

## **Д. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

### **19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

19.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вактида Танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича конунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг яхши таклифни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб хисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги карор танлаш комиссияси томонидан кабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлаш комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хуносасига асосланилади. Қарор танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади.

19.7. Танлаш комиссияси танлаш хужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул килиш ёки рад этиш хукукини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб берса олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиqlаниши керак.

19.9. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг xarid.uzex.uz маҳсус порталида эълон қиласи.

### **20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини

кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиласидиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қиласи.

20.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи танлаш комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи хукуки бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл кўйилмайди.

20.4. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлаш таклифлари танлаш хужжатларига кўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш хужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юкори бўлса.

20.5 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

20.6 Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласи, ҳамда тушунириш берилади.

## **Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **21. Шартномани расмийлаштириш**

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасида шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) маҳсус порталida эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичida тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси қарорига мувофик кейинги энг яхши таклиф берган захирадаги иштирокчини Танлаш ғолибининг таклиф ва шартлари асосида танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки тақорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

Бунда ғолиб бўлган иштирокчи томонидан таклиф этилган нархдан захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх юкори бўлиши мумкин эмас

### **22. Шартномани имзолаш**

22.1. Ғолиб иштирокчи 3 (уч) кун муддат ичida Буюртмачи билан шартнома имзолаш шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.